

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК, ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда экологик барқарорлик, шу жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш масалалари атрофича кўриб чиқилди, шунингдек, мутасаддиларнинг қишга тайёрлик юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Аввало, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича махсус комиссиянинг ҳисоботи тингланди. Ҳаво ифлосланишига қарши кўрилаётган, ифлосланиш манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, охириги кунларда мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб совуқ антициклон таъсири кучайиб бормоқда. Натижада ҳаво босими ошиб, ҳарорат пасаймоқда, инверсия ҳодисалари кучаймоқда. Бундай шароитда ҳаводаги майда зарралар юқорига кўтарилимай, пастки қатламларда тўпланиб қолмоқда. Метеорологик шароитлар туфайли ҳавонинг табиғий тозаланиш суръати секинлашмоқда.

Сўнгги кунларда ҳавони ифлослантираётган манбаларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Иссіқхоналар, қурилиш майдонлари, автотранспорт воситалари ва ноқонуний фаолият юритувчи объектлар юзасидан ўтказилган текширувлар, шаҳар бўйлаб кўчаларни намулаш, ариқларни тозалаш, фаввораларни ишга тушириш каби барқарорлаштириш тадбирлари шулар жумласидан. Кучайтирилган тартибда рейдлар ва профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз мазкур чораларни нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам тизимли давом эттириш, аниқланган қонунбузарликларни тезкор бартараф этиш, ҳавога таъсир кўрсатувчи барча омилларни қатъий назорат остига олишни топширди.

Машиний чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 933 миллион долларлик лойиҳалар 6 та ҳудудда — Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бошланган, аммо бошқа вилоятларда бу борада жиддий ҳаракат кузатилмапти. Бошланган лойиҳаларда ҳам инвесторларнинг инфратузилма — йўл, электр, сув билан таъминлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Вилоятлар ҳокимликлари ва Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитасига камчиликларни бартараф этиб, келгуси йилда қолган ҳудудларда ҳам шундай лойиҳаларни бошлаш топширилди.

2030 йилгача маъиший чиқинди полигонларини 50 фоизга қисқартириш белгиланган. Сўнгги йилларда 47 та полигон фаолиятни тугатилиб, рекултивация қилинди, натижада 243 гектар ер табиатга қайтарилди.

Лекин ҳозирда ишлаётган 132 та полигоннинг аксариятида ҳалигача ҳимоя деворлари, “яшил белбоғ”, сув таъминоти ва экологик хавфсизлик иншоотлари ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилади.

— Бу атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатяпти ва аҳоли эътирозларига сабаб бўляпти. Шу боис, маъиший чиқинди полигонларини экологик хавфсиз ҳудудга айлантириш зарур. Биринчи навбатда, одамларнинг соҳадан розилигига эришишимиз керак. Бу масалага факат чиқиндини бошқариш эмас, балки sanoat, энергетика, экологик маданият билан узвий боғлиқ йўналиш сифатида ёндашиш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

ЭКСПОРТНИ ОШИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни экспорт салоҳиятини ошириш ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган. Мазкур кўрсаткичга эришиш учун аънавий бозорлар билан чекланмасдан юқори маржали янги бозорларга чиқиш зарур.

Бу борада ташқи бозорлардан етакчи истеъмол сегментлари ва юқори талабга эга маҳсулотлар бўйича чуқур таҳлил олиб борилди. Натижада қурилиш материаллари, енгил саноат, электротехника, озиқ-овқат, маъиший кимё, машинасозлик ва металлургия оид йўналишларда экспортни янада ошириш учун мамлакатимизда катта захира ҳамда имконият борлиги аниқланди.

Шу муносабат билан тақдимотда истиқболли бозор ҳисобланган мамлакатлар билан имтиёзли савдонинг йўлга қўйиш, савдо-иқтисодий муносабатларни фаоллаштириб, экспорт-импорт ҳажми ўсишига мос равишда чегара ўтказиш пунктлари инфратузилмаси ва қувватини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар маҳсулотларимизнинг ташқи бозорларда эгалланган ўрни, талаб юқори бўлган товар турлари, хорижий шериклар билан амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари ҳамда экспортни диверсификация қилиш бўйича бажарилаётган ишлар юзасидан ахборот берди. Мажмуа салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш, янги бозорларни очиб ва ташқи савдо механизмларини соддалаштириш топширилди.

Бугунги кунда 81 та давлат идораси томонидан тадбиркорларга 739 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг октябрь ойида қабул қилинган “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан юртимизда бу борада зарур инфратузилма барпо этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди.

Жумладан, 2030 йилгача стратегия тасдиқланиб, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида тегишли марказ очилди. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш учун зарур ҳисобланган инфратузилмаси барпо қилинмоқда. Жумладан, АҚШнинг “Nvidia” компанияси билан ҳамкорликда супер компьютер кластерини ишга тушириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасида сунъий интеллект бўйича 5 та лойиҳа жорий қилинмоқда. Хусусан, инсульт, кўкрак саратонини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш орқали диагностика вақти 80 фоизга тежаллиб, ҳаёт учун хавфли ҳолатлар барвақт аниқланмоқда.

Президентимиз бу етарли эмаслиги, сунъий интеллект ёрдамидаги диагностикани ишлатиш мумкин бўлган касалликлар турини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида жигар, ўпка ва простата бези саратони, инфаркт ҳамда мураккаб суяк синишларини диагностика қилишда тиббий суратларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш тизимларини жорий этиш режалаштирилган.

Келгуси ўқув йилидан мактаб, техникум ва олийгоҳларда ўқувчи ва талабаларга сунъий интеллектни ўқитиш бошланади. Бунинг учун информатика ўқитувчилари тайёрланмоқда. Лекин фақат уларни эмас, бутун мактаб жамоасини сунъий интеллектдан фойдаланишга ўргатиб, ўқитувчиларнинг юкмасини камайтириш

кераклиги кўрсатиб ўтилди. Шунда ўқитувчида ўз устида ишлашга кўпроқ вақт қолади, дея таъкидланди йиғилишда.

Тақдимотда бу борадаги янги ёндашувлар кўриб чиқилди.

Жумладан, мактаб таълими учун сунъий интеллектга асосланган платформани жорий қилиш таклиф қилинди. Бунда ўқитувчининг виртуал ёрдамчиси ишлаб чиқилади ва платформага интеграция қилинади. Ушбу ечим ўқитувчиларга мавзуга доир маъруза матнлари, тақдимотлар, тестлар, дарс режаларини тузиш, имтиҳон жараёнларини назорат қилишда кўмаклашади.

Йиғилишда ҳокимларнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиларининг малакасини ошириш дастури ҳақида ахборот берилди.

Транспорт соҳасида ҳам сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, сунъий интеллект ёрдамида йўллардаги қондабузарликларни автоматик аниқлаш, вагонлар техник ҳолатини мониторинг қилиш орқали темир йўлда авариялар хавфини камайтириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Бундан ташқари, космик технологиялар бўйича янги ташаббуслар ишлаб чиқилган. “Samarqand-2028” сунъий йўлдошини ишлаб чиқиш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Ерни масофавий зондашга мўлжалланган мазкур йўлдош учун сунъий интеллект модули ишлаб чиқилади. Йўлдош олган суратларни ҳаво сифатини бирламчи баҳолаш, қишлоқ ҳўжалиги эканлиги ва ўрмонларни мониторинг қилишда қўлайли мумкин бўлади.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари кўриб чиқилган лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, сунъий интеллект технологияларидан иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада фойдаланишни кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

► Ноябрь сарҳисоби

СИЁСИЙ ИРОДА ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ ЗАМИРИДАГИ ХАЛҚПАРВАРЛИК

ЁХУД МУҲИМ БЎЛМАГАН ИШНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ



Бир кам саксон йилга отам телеканаллар орқали бериладиган ахборот дастурларининг бирортасини ўтказиб юбормайди. Камига набираларига айтиб, айрим сайтларнинг янгиликлар тасмасига уланиб олган. Хуллас, кўпчиликда бир қўлида телевизор пульта, иккинчисиди мобил телефон — янгиликларни кузатишни, сиёсий-иқтисодий воқеалардан хабардор бўлиб боришни яхши кўради. Яқинда отам билан суҳбатимиз кўйидагича кечди:

— Охириги пайтларда юртда жуда оламшумул ишлар бўляпти-да, шуларни газеталарингизда ёзасизларми?

— Ҳа, дада, ёритяпмиз.

— Ҳаммаси саҳифаларга сийғиштири? Воқеалар кўлами жуда кенг-да. Шунга сўраяпман.

— Сийғишти, энг муҳимларини батафсил ёритамиз.

— Давлат раҳбарининг тиним билмай қилётган ишлари орасида номуҳим йўқ-ку. Жавобимдан хижолат тортдим.

— Тўғри, ёзмаса бўлмайдиган ишлар кўп. Биласиз-ку, газетамиз айрим нашралардек янгилик ҳақида бир марта хабар бериш билан чекланмайди. Муаллиф, таҳлилчи, экспертларимиз кўп, воқеаларга муносабат давомли бериб борилади, мавзунинг моҳияти таҳлил қилинади.

— Ҳа, шундоқ бўлсин, мана бу ишларинг яхши.

1

Эътиқодида, сўзида собит туриш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг қатъий позициясига эга бўлиш ва уни ҳимоя қилиш сифатларини намойён этаётган мамлакатимизга дунё ҳам-жамиятининг эътибори ва ҳурмати ортиб бормоқда. Илгари муайян давлатлар билан алоқа ўрнатган бўлсак, энди энг қудратли давлатлар ва энг нуфузли эллар қарорлиқлар билан ҳамкорликда қилинаётган улугвор ишлар ҳамда уларнинг натижаси жаҳон аҳлини ҳайратга солимоқда, қойил қолдиarmoқда.

► Давоми 3-бетда

КОНСТИТУЦИЯ — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ КАФОЛАТИ



5

Тожикистондан мактуб

БЕШ БАРМОҚ БИРИКСА, МУШТ БЎЛАР

Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини ўқиб...

Ҳар қандай давлат ва миллатнинг ҳар бир даврда ўз йўлбошчиси бўлади. Мамлакат ва миллатнинг фаровонлиги, обрў-эътибори, келажаги кўп жиҳатдан шу етакчига боғлиқ экани ҳам ҳақиқат. Ўта донишманд ва сиёсий баркамол давлат раҳбари шу мамлакат фуқароларининг бахти, фахридир.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев кўп миллатли Ўзбекистон халқига Парвардигор иноят қилган улуг йўлбошчи экани ҳеч кимга сир эмас. Бугун бутун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас билан қараётир. Бунинг сабаби мамлакат етакчисининг машаққатли меҳнати ва донишмандлик қобилиятидир. Мамлакатга борган ҳар бир меҳмон буни чин дилдан ҳис этади, сезади. Шавкат Мирзиёев нафақат Ўзбекистонни янги йўлга бошлади, балки бутун Марказий Осиё раҳбарларининг бошини бириктира олди.

► Давоми 2-бетда

АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 17 ноябрь кўни қишлоқ хўжалигида янги ташаббуслар, жумладан, пахтачиликда самарадорликни ошириш ва илғор технологиялар асосида соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди. Йўғилишда пахтачиликдаги ҳосилдорликни ошириш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Жумладан, паст ҳосил олаётган фермерлар билан манзилли ишлаш, илғор агротехнологиялар ва озиклантириш амалиётини тўғри қўллаш, агрономлар тайёрлаш тизимини тўздан ислоҳ қилиш чоралари белгилаб олинди.

Ғиёсжон РАҲИМОВ,

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Президентимизнинг 2024 йил 13 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида мамлакатимизда унумдорлиги паст, шўрланган ерларда тупроқ унумдорлиги, гумус миқдори ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда илмий асосланган илғор технологиялар ва тажрибалардан фойдаланиш, сув ва ресурс тежамкор технологиялари жорий қилиш юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, ЎзФА ва унинг бўлиmlари, тегишли илмий-тадқиқот институтлари, олимлар, вилоят ва туман ҳокимликлари, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган барча раҳбар ва мутахассислар олдидан турган вазифалар белгилаб берилган.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари пахтадан гектарига 50, ғалладан 100 центнер ҳосил олиш топширигини берган эди. Бунга фақат тупроқни гумусли, фосфорли, органик ва биоорганик ўғитлар билан бойитиш орқали соғломлаштириб, унумдорлигини оширишни таъминлаган ҳолда эришиш мумкин. Агар ушбу чора-тадбирлар қўрилмаса, тупроқ унумдорлиги пасайиб, шўрланиш даражаси кучаяди ва сув сарфининг уч-ўрт баробар ортishiга сабаб бўлади. Оқибатда берилган минерал ўғитлар тупроқдан ер остига ювилиб кетади.

Ҳозиргача пахта экиладиган унумдорлиги паст ерларнинг ҳар гектарига 20-30 тоннадан ортiқ мол гўнгини солиш тавсия қилинган. Лекин бунинг имкони йўқ. Чунки чорванинг аҳволи маълум. Шу сабаб бутун ерларнинг унумдорлиги жуда паст бўлиб, айрим жойларда кучли ва ўрта даражадаги шўрланиш ҳолатлари аниқланган. Охириги 5-10 йилда умуман органик ўғит берилмай келаётган ерлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти, Микробиология институти, ЎзФАНинг Навоий филиали, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот муҳандислиги, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети каби қатор илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий таълим муассасалари олимлари томонидан органик ва биоорганик ўғитлар ишлаб чиқилган ҳамда кенг жорий қилишга тавсия этилган.

БИОГУМУС — ОРГАНИК ЎҒИТ

Биогумус органик ўғити тупроқ унумдорлигини, гумус миқдорини оширади, шўрланишни камайтиради, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилайдди, сув ва намликни сақлаб, йиллик сугориш ҳамда минерал ўғитлар сарфи меъёрини камайтиради. Ҳосилдорликни оширади ва 15-20 кунда пишиб етилишини таъминлайди. Ушбу органик ўғитдан фойдаланиб етиштирилган маҳсулотлар мазали ва харидордир бўлади. Биогумус таркиби энг яхши табиий ўғит ҳисобланган ҳайвонлар гўнгикига нисбатан 100 баравар самарали бўлади. Масалан, Узун туманида биогумус берилган ернинг ҳар гектаридан 90 центнер ғалла, 55 центнер пахта ҳосили олинган. Пахтага ушбу озуқа 10 тоннагача қўлланганда ҳар гектардан қўшимча 2-3 центнер ҳосил олинган. Ҳозирги глобал илмий ўзгаришлари шароитида унумдорлиги паст ерларда экиладиган экин турини ҳисобга олган ҳолда, биогумусни 4, 6, 8 тоннадан ҳар гектар ерга 3 йилда бир марта бериш тавсия қилинган.

Биогумус тайёрлаш учун ҳеч қандай махсус ускуна, аппарат, бино-иншоот ёки препарат талаб этилмайди. Ҳар бир хўжалик эҳтиёжига қараб биогумус етиштириши мумкин. Уни марказлашган ҳолда ҳам, саноат ускуналари ёрдамида ҳам тайёрласа бўлади. Бу ишни қилиш учун олим ва мутахассислар томонидан етарли қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқилган ва республикамизда жорий этилмоқда.

ХЛОРЕЛЛА — ҲАМ ОЗУҚА, ҲАМ НАМЛИКНИ САҚЛОВЧИ ВОСИТА

Хлорелла биоорганик ўғити қишлоқ хўжалигида унумдорлиги паст, гумус миқдори кам ва шўрланган ерларда қўлланганда тупроқнинг устки қатламида яшил масса ва фойдали микроорганизмлар ҳосил бўлади. Улар эса тупроқ унумдорлиги ошишига ёрдам беради. Таркиби яхшилианиб, намлик мунтазам оптимал даражада сақланиб, тупроқдаги органик моддалар минерал моддаларга парчаланаяди, ўсимликларнинг тупроқдан озуқа олиш жараёнини яхшилаш учун энг қўлай ва зарур шарт-шароит яратаяди.

Бухоро давлат университети олим ва мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, хлорелла кўп миқдорда ҳар хил фермент, аминокислота, витамин ва бошқа биологик фаол моддалар ишлаб чиқаради ҳамда ўсимликларнинг тупроқдан озуқа олиш жараёнини яхшилаш учун энг қўлай ва зарур шарт-шароит вужудга келтиради. Тупроқда намликни мавсум давомида сақлаб, сугориш меъёрини, айниқса, пахтачиликда 1-3 марта камайтириш имконини беради.

Хлорелла — яшил сув ўти суспензиясида ивителиб экилган чигит 4-6 кун олдин униб чиққан. Кўчатлар чиқиши 98 фоизгача етиши, ҳосил 7-10 кун олдин пишиб, ҳосилдорлик 25-30 фоиз ошиши кузатишган. Тупроқда намлик йил давомида оптимал даражада бўлган.

Яшил сув ўтини суспензия ҳамда қуруқ ҳолатда ҳар бир вилоят ва туманларда ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун алоҳида ускуна, препарат ва катта харажат талаб этилмайди. Уни ишлаб чиқариш учун хлорелла суспензияси янагидан 50 куб метрли қурилма ни тиклаб, бир мавсумда 40-80 тонна қуруқ хлорелла, 170-250 тонна суспензия олиш мумкин.

Хлорелла хомашёси дарё ёқаси, қўл бўйларидая учрайди. Уларни олиш ва мутахассисларимиз ишлаб чиққан қўлланмалар асосида қисқа вақтда кўпайтириб, суспензия ҳолатидаги хлореллани пахта, ғалла ва сабзавот экинларига мавсум давомида пуркаш имконияти мавжуд. Қуруқ масса ҳолатидаги хлореллани кузги ва баҳорги ҳайдов вақтида барча турдаги экинларга, айниқса, “Яшил макон” умуммиллий дастури бўйича экилаётган дарахтлар тагига бериш мумкин.



“УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ЕРЛАРДА ОРГАНИК, БИООРГАНИК, МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ТЎҒРИ ОЗИҚЛАНТИРИШ, НАМЛИКНИ САҚЛАШ, ШЎРЛАНИШНИ КАМАЙТИРИШ, МИНЕРАЛЛАШГАН ДРЕНАЖ ВА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИ ТУЗЛАРДАН ТОЗАЛАБ ҚАЙТА ФойДАЛАНИШ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА КАТТА ДАРОМАД КАФОЛАТИ.

Ҳозир гидрогель маҳсулоти юртимизда мавжуд бўлган маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланиб, четдан келтирилган шу турдаги маҳсулотга нисбатан 8 баробар арзон, хуссияти эса фарқ қилмайди.

ТУЗ ВА ЗАРАРЛИ БИРИКМАЛАРДАН ТОЗАЛАЙДИ

Саноат ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувлар тозаланмасдан бевосита каналларга қўйиб юборилмоқда. Натижада экинларни сугориш учун фойдаланиладиган сувлар маълум даражада шўрланиб, ҳар хил токсикологик зарарли бирикмалар кўпайиб, экинларни сугорганда уруғларнинг униб чиқишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай сувлар билан экинлар сугорилганда кўчатларнинг униб чиқиши 20-30 фоиз камайган. Бу эса ҳосилдорлигини пасайишига сабаб бўлади.

ЎзФА Микробиология институти олимлари оқова сувни тозалашда *Chlorella vulgaris* сув ўтидан фойдаланиб, сув таркибидаги органик моддаларни утилизация қилиш ва тозалаш мумкинлигини исботлади. Олинган натижаларга асосланиб, сув тозалаш жараёни

хусусан, Чехия, Италия, АҚШ, Миср, Украина, Россия, Япония, Хитой каби давлатларда қишлоқ хўжалигида самарали қўлланади, тупроқ унумдорлигини сақлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда маҳаллий минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш ҳозир энг долзарб вазифалардан. Шу боис, республикамиз конларидая бентонит глини таркиби яроқли элементларга бой бўлиб, ундан фойдаланиш мумкин.

Навоний тажриба станцияси далаларидая “С-01” навили пахта чигитини бентонит глини кукуни билан қобиқлаб экиш ва баргидан бентонит ҳамда минерал ўғитли суспензия билан озиклантириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Ҳар бир гектар пахта даласига мавсум давомида 12-15 килограмм бентонит кукуни сарфланди. Яъни ҳар бир гектарга қўшимча 15-20 минг сўм харажат қилинди. Ҳосилдорлик назоратда гектарига 38 центнерни ташкил қилган бўлса, чигит қобиқлаб экилган бентонитли карбамид суспензияси берилган тажриба вариантда 45,2 центнерга етди.

ЎзФА Навоний бўлими олимларининг дастлабки ҳисоб-китобида кўра, ушбу технология республикамизнинг пахта экиладиган 100



“Дарё суви етиб бориши қийин бўлган ҳудудларда минераллашгани ўртача 3-5 г/л бўлган зовур сувини LEMNA MIRROR СУВ ЎСИМЛИГИ ёрдамида биологик тозалайди.

нида ҳосил бўлган хлорелла суспензиясидан пахтачиликда чигитни ивителишда фойдаланиш мумкин.

135 МИЛЛИАРД СЌМ ҚЌШИМЧА ДАРОМАД

Дунёда бентонитли ва бентонитга ўхшаш гиллардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Қатор мамлакатлар,

ЧОРАСИЗЛИҚДА ЧОРА

Ҳозирги сув тақчиллиги шароитида қатор хўжаликлар коллектор, зовур ва ер ости сувларидан гўза ҳамда бошқа экинларни сугоришда кенг фойдаланмоқда. Кўпинча бундай ҳолатда коллектор ва зовур сувининг минераллашгани, кимёвий таркиби ва сугориладиган массивларнинг тупроқ-мелиоратив

яхши натижа олинган. Ундаги хлор миқдори 28 фоизгача, қуруқ қолдиқ миқдори эса 18 фоизгача камайиши кузатишган. Зовур суви билан сугорилгандаги вариантга нисбатан 4,2 центнер қўшимча ҳосил олинган.

Тупроқ унумдорлиги ҳамда ундаги гумус миқдорини ошириш, экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда илм-фан ҳамда амалиёт уйғурилишининг аҳамияти катта. Бу соҳанинг замонавий асосда ривожланишини таъминлайди. Сув ресурсларини тежовчи илғор инновацион технологияларни янада кенг қўллаш учун мустаҳкам замин яратаяди.

Қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишларга билим асосида ёндашиш, айниқса, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳар бир фермер учун муҳим масала. Зеро, қишлоқ хўжалигида бутун билим ва инновацион ғойларни қўллаган ҳолдагина юқори ҳосил ва даромад олиш мумкин.

